

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.02

2017 йил “2” 06



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2017 йил “28” 06

УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000 – Педагогика 120 000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- О.Мусурманова – ЎзДЖТУ, “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори
- Х.Ибрагимов – ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори
- С.Йўлдошева – ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди
- М.Жуманиёзова – ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Такризчилар:

- Уразова М.Б – ТДПУ, “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори
- Жамолдинова О.Р. – ЎзДЖТУ, “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Умумий педагогика” фани олий таълим муассасалари талабаларида касбий-педагогик сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бўлажак ўқитувчиларни илм-фан, техника ва технология соҳаларида эришилаётган илғор ютуқлар, умуминсоний ғоялар, миллий қадриятларга таянган ҳолда тайёрлаш, уларда педагогик маданиятни ривожлантириш, ижодий тафаккурни таркиб топтириш, тарбиячи, ўқитувчи ҳамда ёшлар мураббийси сифатида педагогик жараёнларни тўғри ташкил этиш малакаларини ҳосил қилишда катта аҳамият касб этади.

Мазкур фан талабаларни ёш авлод таълими ва тарбиясига бўлган ёндашувлар мазмуни, жаҳон таълими тажрибаси билан таништириш асосида уларнинг умумпедагогик билимларини бойитади. Талабалар миллий педагогик мерос намуналари билан танишиш жараёнида таълим ва тарбия ғояларининг шаклланиши, муайян даврда юзага келган ижтимоий зарурият, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётига бевосита боғлиқ эканлигини англаб етадилар. Таълим-тарбиянинг инновацион шакл ва методларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини инновацион бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш ҳақида маълумотга эга бўладилар. Шу билан бирга ушбу фан талабаларда асрлар давомида шаклланган таълимий ва тарбиявий қадриятларга нисбатан чуқур ҳурматни қарор топтириш, анъанавий ва замонавий педагогик таълимотларни қиёсий ўрганиш, ёш авлод тарбиясида барча даврлар учун бирдек амалий қийматга эга педагогик ғоялардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларни комил инсон, етуқ мутахассис сифатида тарбиялаб вояга етказишга оид давлат сиёсатининг мазмуни, устувор тамойиллари, миллий ва жаҳон педагогикасининг энг илғор ғоялари, ёш авлод таълим-тарбиясини самарали ташкил этишга оид қадриятлар, талабаларда дидактика, тарбия назарияси, педагогик амалиёт, педагогик технология ва педагогик маҳорат асослари, педагогик фикрлар тарихий тараққиётининг моҳиятини ёритувчи назарий билимларни ҳосил қилиш.

Фаннинг вазифаси - бўлажак мутахассисларга шахс тарбиясини ташкил этиш масалаларини ўзида акс эттирувчи манбаларда илгари сурилган ғоялар, энг қадимги даврларда таълим-тарбия, педагогик фикрларнинг ривожланиши,

тарбиянинг ижтимоийлашуви, халқ оғзаки ижодиёти намуналари, Шарк ва Ғарб мутаффақирлари меросида таълим-тарбия масалалари, ислом маънавий манбааларидаги таълимий-тарбиявий қарашларни педагогик фаолиятга самарали татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш; таълим жараёнида илмий, техник ва технологик ютуқларни қўллай олишга тайёрлашдан иборат .

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар:

“Умумий педагогика” фанини ўрганиш жараёнида бакалаврлар ушбу фаннинг илмий, амалий ва методологик асослари, педагогиканинг объекти, предмети, асосий категориялари ва тушунчалари, методлари, тармоқлари, таълим менежменти, узлуксиз таълим каби педагогик тушунчалар моҳиятини, узлуксиз таълим турлари, таълим иштирокчилари, тарбиянинг ижтимоийлашуви, таълим - тарбияда ирсият ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро муносабатини, миллий ва маданий-тарихий омилларнинг тарбияда тутган ўрни ва аҳамиятини; педагогик фаолиятнинг асосий қонуниятлари, комил инсонни тарбиялашга оид давлат сиёсатининг мазмуни, устувор тамойиллари, миллий ва жаҳон педагогикасининг энг илғор ғоялари, ёш авлод таълим-тарбиясини самарали ташкил этишга оид кадриятлар мазмуни бўйича **билимларга эга бўлиши;**

- “Умумий педагогика” фанининг асосий ғояларини таълим-тарбия жараёнини яхлит тарзда ташкил этишга татбиқ этиш; таълим-тарбиянинг инновацион шакл ва методларидан фойдаланган ҳолда таълим –тарбия жараёнини инновацион бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш; педагогика фанининг асосий тушунча ва терминларини; замонавий таълим технологияларини; ўқиш ва билиш фаолиятни ташкил қилиш йўлларини; таълим ва тарбия сифатини назорат қилиш шакл ва методларини; педагогик фаолиятни режалаштириш **кўникмаларини эгаллаши;**

- педагогик фаолият моҳиятини ёритувчи иш ҳужжатларини тўғри юритиш; методологик, педагогик ва психологик манбаалар билан ишлай олиш; таълим-тарбия жараёнининг технологик харитасини ишлаш; таълим ва тарбия жараёнида миллий педагогик мерос намуналари, жаҳон таълими анъаналаридан фойдаланиш; шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш; ўз фаолиятида миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини татбиқ этиш орқали мустаҳкам позицияда туриш **малакаларига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-Модул. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими

1-мавзу. Умумий педагогика- таълим-тарбия назарияси. Умумий педагогиканинг илмий тадқиқот методлари.

Умумий педагогиканинг объекти, предмети ва тузилиши. Педагогиканинг асосий категориялари ва тушунчалари. Педагогиканинг тармоқлари. Педагогиканинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Педагогик тизимлар тушунчаси ва унинг асосий таркибий қисмлари. Асосий таълимий концепциялар ва ёндашувлар.

Илмий-педагогик тадқиқот методлари. Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш методи, Кузатиш методи, педагогик тажриба-синов методи, суҳбат методи, сўровнома, таълим муассасалари ҳужжатларини ўрганиш методи, математик статистика методи, тест методи ва б.

2- мавзу. Ўзбекистонда таълим тизимининг «Ўзбек модели» ва унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари. Таълим тизимида модернизация жараёнлари.

Мустақиллик йилларида инсон капиталини яратиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида таълим соҳасига қўйиладиган ижтимоий-сиёсий талабларни ақс эттирилиши.

Таълим соҳасида ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Ўзбекистонда комил инсонни тарбиялашнинг ҳуқуқий асослари. Таълим тизимида миллий-маърифий кадрлардан фойдаланиш.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини модернизация қилиш йўналишлари ҳақида. Таълим тизими ва таълим турлари. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Таълим тизимини ислоҳ қилиш йўналишлари.

3- мавзу. Замонавий таълим тизимида қўйиладиган асосий талаблар. Таълим муассасаси менежменти.

“Бошқарув” (“менежмент”) тушунчасининг моҳияти. “Таълим муассасаси фаолиятини бошқариш” тушунчасининг тавсифи. Таълим муассасаси фаолиятини давлат-жамоатчилик тамойилига кўра бошқаришнинг психологик-педагогик асослари.

Таълим муассасасининг устави – раҳбарлик ва бошқариш тизимини аниқловчи ҳужжат. Таълим муассасаси менежерининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Таълим менежерининг компетенциялари.

Педагогик жамоанинг иш услублари. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш. Таълим муассасаларининг назорат турлари. Ички ва ташқи назорат мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, ташкилий шакллари ва методлари, усуллари.

2-Модул. Тарбия назарияси ва тарбия турлари

4- мавзу. Тарбия назарияси ва тарбия турлари.

Тарбия назарияси. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзига хослиги ва тарбиядаги ўрни. Тарбия ижтимоий ҳодиса сифатида. Тарбия усуллари. Тарбиянинг мақсад- вазифалари. Тарбия турлари. Ақлий тарбия. Ахлоқий тарбия. Жисмоний тарбия. Меҳнат тарбияси. Нафосат тарбияси. Экология тарбия, иқтисодий ва ҳуқуқий, ғоявий-сиёсий тарбия. Фуқаролик тарбияси. Бола шахсининг ривожланиши, тарбияси ва камолоти. Бола тарбиясига таъсир этувчи омиллар. Шахс фаолиятининг турлари.

5- мавзу. Оила педагогикаси ва унинг миллий ўзига хос хусусиятлари.

Оила фуқаролик жамияти институтларининг асосий бўғини. Оила ва маҳалла- миллий ҳамда умуминсоний тарбиянинг муҳим институтлари сифатида. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш. Оила педагогикасининг методологик асослари. Оила педагогикасининг шаклланиш жараёнлари ҳақида. Ўзбекистонда оила педагогикасининг асосий вазифалари. Оиланинг жамиятдаги ижтимоий мақоми. Оила тарбияси. Болалар тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги. Оилавий қадриятларнинг шахс тарбиясига таъсири. Оила- педагогик ўзаро муносабатлар ҳамда шахс тарбияси ва камолотининг субъекти сифатида. Оилавий ҳаёт соҳаси тарбия муҳити сифатида. Оиладаги тарбиявий вазифалар. Ўз-ўзини тарбиялаш методлари. Тарбия жараёнидаги медиатция институтлари.

6- мавзу. Глобаллашув жараёнида ёшлар онгига таъсир этувчи омиллар. (оммавий маданият, ахборот таҳдидлари, диний экстремизм ва бошқалар).

Глобаллашув тушунчаси. Глобаллашув жараёнида ёшлар онгига таъсир этувчи омиллар. Глобаллашув жараёнларининг ижобий ва салбий оқибатлари. Глобаллашув жараёнида ёшлар онгига таъсир этувчи омиллар. Ахборот

хавфсизлиги ва глобаллашув жараёнида ёшлар ўртасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари. Оммавий маданият, ахборот таҳдидлари, диний экстремизм ва бошқа салбий таъсирларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришда педагогика фанининг вазифалари.

3-Модул. Дидактика-таълим назарияси. Таълим тамойиллари ва қоидалари

7- мавзу. Дидактика-таълим назарияси. Педагогик жараён. Таълим тамойиллари ва қоидалари.

Дидактика. Дидактиканинг предмети ва вазифалари. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг дидактик ғоялари. Дидактиканинг асосий категориялари. Таълим парадигмалари, принциплари, педагог олимларни билишнинг асосий қонуниятларига доир фикрлари, ўқитишнинг етакчи қоидалари. Илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принциплари, таълимнинг амалиёт билан боғлиқлиги принципи, таълимда онглилик ва фаоллик принципи, кўрсатмалилик принципи, тушунарлилик принципи, мустақамлилик принципи, ўқитишда индивидуал ёндашиш принципи. Педагогик жараён моҳияти. Таълим тамойиллари ва қоидалари.

8- мавзу. Таълим шакллари, методлари ва воситалари таснифи. Таълим сифатини назорат қилиш ва унинг турлари.

Таълим методлари, шакллари ва воситалари. Ўқитишнинг оғзаки методлари. Ўқитишнинг амалий методлари. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари. Ўзлаштиришнинг репродуктив босқичдан продуктив таълимга ўтиш босқичлари. Таълим воситалари.

Таълим сифатини назорат қилиш ва унинг турлари. Назоратнинг тест шакли ва уч даражали тест топшириқларини ишлаб чиқиш қонуниятлари.

Дарс-таълимнинг асосий шакли сифатида. Замонавий дарс типологияси. Дарс тавсифи. Дарсни ташкил этишга қўйиладиган дидактик талаблар. Дарснинг ўқув мақсадлари. Дарс жараёнининг босқичлари. Замонавий дарс типлари ва мезонлари. Дарс самарадорлигини таъминловчи омиллар.

9- мавзу. Педагогик маҳорат асослари ва унинг таркибий қисмлари.

Педагогик фаолият функциялари ва уларга мувофиқ педагог шахсига қўйилган талаблар. Педагогик маҳоратнинг моҳияти ва тузилиши. Педагогнинг касбий фазилатлари. Педагогик жараёнда мулоқотнинг моҳияти ва тузилиши. Мулоқот воситалари ва турлари. Педагогик ўзаро муносабатлар моҳияти. Педагогик мулоқот маданияти. Педагогик мулоқот йўналишлари ва

услуглари (авторитар, демократик, либерал) ҳамда уларни тўғри танлаш. Ўқитувчининг нутқ техникаси ва маданияти. Коммуникатив таъсир кўрсатиш. Педагогик деонтология. Чет тили ўқитувчисининг профессиограммаси.

10- мавзу. Педагогик касбий компетентлик ва креативлик.

Педагогик компетентлик тушунчасининг моҳияти. Педагогик компетенция. Педагогик компетентлик компонентлари. Чет тили ўқитувчисининг педагогик компетентлиги. Касбий компетентлик. Касбий компетентлик сифатлари, жтимоий компетентлик, махсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив) компетентлик, шахсий компетентлик, технологик компетентлик, экстремал компетентлик. Педагогнинг ўз устида ишлаши. Педагогнинг ўз устида ишлаш модели.

“Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти. Креативлик сифатлари. Шахс креативлигини ифодаловчи хусусиятлари. Булажак ўқитувчиларда педагогик креативликни шакллантириш.

11- мавзу. Таълим-тарбия жараёнида илмий ва умуммаданий дунёқарашни шакллантириш.

Билим- илмий дунёқарашнинг асоси. Дунёқараш моҳияти ва унинг турлари. Ўқувчилар дунёқарашда янгича фикрлашни шакллантириш зарурияти. Таълим ва тарбия жараёнида умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари. умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва тизими. Миллий мафкурани ёшлар онгига сингдириш йўллари. Миллий онг ва миллий ифтихор ўсишининг тарбиявий аҳамияти. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва демократик тафаккурни шакллантиришнинг зарурияти.

12- мавзу. Педагогик диагностика ва педагогик коррекция. Коррекцион педагогика.

Педагогик диагностика ва унинг аҳамияти. Педагогик диагностиканинг предмети, моҳияти, асосий вазифа ва категориялари. Коррекция тушунчасининг мазмуни. Коррекцион педагогиканинг мақсади ва моҳияти. Педагогик диагностиканинг илмий-назарий йўналишлари. Таълим жараёнини диагностика қилишнинг асосий функциялари (тескари алоқа функцияси, мақсад ва вазифаларни белгилаш функцияси, тақсимот функцияси, яратиш ва педагогик тажрибани ўрганиш функцияси, педагогик коррекциялаш функцияси, мотивация ва рағбатлантириш функцияси, назорат функцияси). Аномал болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар йўналишлари.

Бола ривожланишидаги нуқсонларнинг турлари ва уларни ташхислаш тамойиллари ва методлари. Нутқи, эшитиш қобилияти бузилган ва кўришда нуқсонли бўлган болалар билан ишлаш ва уларни ўқитиш.

13- мавзу. Электрон педагогика ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш. Педагогик дастурий воситалар. Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситаларнинг ўрни. Дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари, эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари. Педагогик-дастурий воситалар яратиш тамойиллари. Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълим порталлари ресурслари (Ziynet.uz, Pedagog.uz, my.estudy.uz ва бошқ.) билан ишлаш.

4 -модул. Илғор педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнида қўллаш амалиёти

14- мавзу. Педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари.

“Педагогик технология”, “методика”, “метод” тушунчалари. Педагогик технологиянинг мезонлари. Педагогик технологиясига илмий-назарий ёндашувлар. Педагогик технологиянинг ривожланиш босқичлари. Педагогик технологияларнинг тузилиши. Таълим технологиясининг мақсади, вазифалари, методологик асослари. Таълим технологиясининг даражалари. Умумий технология. Хусусий технология. Модуль технологияси. Таълимда технологик ёндашув вариантлари. Таълим технологиясининг туркумланиши. Таълим технологияларига аксиоматик ёндашув, Таксономия тушунчаси. Б.Блум таксономияси, ўқув мақсадлари таксономияси.

15- мавзу. Инновацион педагогика. Таълим инновацияларининг моҳияти, назарий асослари ва турлари.

Инновацион педагогика ва унинг моҳияти. Таълим тизимида инновацияларнинг ўрни. Инновацияларнинг асосий кўринишлари. Таълим инновацияларининг турлари. Новация (янгилиниш). Новация ва инновация тушунчаларининг фарқли жиҳатлари. Таълим инновационлари таъминлайдиган ўзгаришлар. Педагогикада инновацион ўзгаришларнинг йўналишлари. Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил

этишга илмий ёндашувлар. Инновацион жараён қонуниятлари. Инновацион фаолият мазмуни. Педагогнинг инновацион фаолияти. Педагогик инновацион фаолият белгилари. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш босқичлари. Педагогда таълим жараёнига инновацион ёндашувни қарор топтириш босқичлари.

16- мавзу. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари. Ривожлантирувчи ва танқидий фикрлашга йўналтирилган технологиялар.

Шахсга йўналтирилган таълим назарияси ва унинг мазмуни. Шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳатлари. Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий талаблари. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг турлари.

Таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш. Л.В.Занковнинг ривожлантирувчи таълим технологияси ва унинг назарий билимларни эгаллашдаги роли. Д.Б.Эльконин ва И.Давидовларнинг ривожлантирувчи таълим технологияси. Таълимнинг уч босқичли модели. Чақирик, англаш, фикрлаш босқичларининг вазифалари. Танқидий фикрлаш асослари. Тўлиқ ўзлаштириш технологияси ва М.В.Клариннинг тўлиқ ўзлаштириш методикаси. Тўлиқ ўзлаштириш технологиясининг асосий тавсифи.

17- мавзу. Муаммоли таълим технологиясининг моҳияти ва мазмуни.

Муаммоли таълимнинг илмий-назарий асослари (Ж.Дьюи, Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, В.Окон, И.Я.Лернернинг назарий ёндашувлари). Муаммоли таълимнинг асосий вазифалари. Муаммоли таълимнинг асосий вазифалари. Муаммо ва муаммоли вазият. Муаммоли вазиятнинг турлари. Муаммоли таълимда ўқитувчига қўйиладиган талаблар. Муаммоли ўқитишнинг даражалари. Педагогик (ўқув) муаммосини қўйиш ва ҳал этиш босқичлари. Муаммоли таълим технологиялари. Дарсда муаммоли вазиятни яратиш ва муаммоли саволларни тузиш алгоритми. Муаммоли ўқитиш методлари.

18- мавзу. Таълимнинг интерфаол методлари. Таълим жараёнида ўйин технологияларини қўллаш.

Интерфаол стратегиялар. Интерфаол методлар. График органайзерлар. Интерфаол таълим самарадорлигини таъминловчи асосий омиллар. Таълим жараёнида интерфаол методларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати.

Интерфаол таълим муҳитини яратишга қўйиладиган талаблар. Интерфаол методлар: Интерфаол стратегиялар, График органайзерлар.

Ўйин тушунчасининг моҳияти. Ўйин инсон ҳаётининг бир даврида унинг руҳий ривожланишини белгиловчи етакчи фаолият тури сифатида. Ўйин технологиялари. Педагогик ўйинларнинг асосий белгилари. Г.К.Селевконинг педагогик ўйинлар типологияси. Дидактик ўйинлар. Сюжетли ўйинлар. Ролли ўйинлар. Ишбилармонлик ўйинлари. Имитацион ўйинлар. Драматик ўйинлар (психологик ва ижтимоий). Таълим жараёнида ўйин технологияларини қўллашга қўйиладиган талаблар. Педагогик ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби.

19- мавзу. Таълимда кейс технологияси. Ўқув -лойиҳавий таълимнинг асосий тамойиллари.

“Кейс-стади” технологияси. Замонавий ўқитиш амалиётида ўқув кейсларининг турлари. “Кейс-стади” ёрдамида талабалар эгаллайдиган билим, кўникма, малакалар ҳақида. Ўқув кейсларининг муҳим характерли жиҳатлари ва асосий хусусиятлари. Кейслар типологияси.

Лойиҳавий таълим технологиясининг асосий тушунчалари. Ўқув лойиҳаси тушунчаси. Ўқув лойиҳавий фаолият: тузилиши ва мазмуни. Ўқув лойиҳавий фаолиятнинг босқичлари. Талабалар томонидан тайёрланган ва бажарилган ўқув лойиҳаларини баҳолаш мезонлари. Портфолио ҳақида тушунча. Талаба портфолиоси ва унинг таркибий тузилиши.

20-мавзу. Таълим муассасаларида тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш.

Тарбия жараёни. Маънавий-ахлоқий тарбия тизими. Тарбияга тизимли ёндашув. Таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкил этиш методикалари. Тарбиявий ишларни ташкил этишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти. Тарбиявий тадбирларни технологиялаштириш. Таълим муассасасида тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш. Тарбияда инновацион технологиялар.

21- мавзу. Хорижий мамлакатларда таълим тараққиётининг асосий йўналишлари ва илғор хорижий тажрибалар.

Хорижий давлатлар таълим тизими (АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея, Англия, Россия давлатлари мисолида). Болония жараёни. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим шаклари: модулли-кредит тизими,

масофали ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари, Вебинар машғул�лар, “Ассесмент” технологияси.

IV. Семинар машғул�лари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғул�лари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Умумий педагогика- таълим-тарбия назарияси. Умумий педагогиканинг илмий тадқиқот методлари.
2. Ўзбекистонда таълим тизимининг «Ўзбек модели» ва унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари. Таълим тизимида модернизация жараёнлари.
3. Таълим менежменти. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини бошқариш.
4. Тарбия назарияси ва тарбия турлари.
5. Оила тарбияси ва унинг шахс камолотидаги ўрни.
6. Глобаллашув жараёнида ёшлар онгига таъсир этувчи омиллар. (оммавий маданият, ахборот таҳдидлари, диний экстремизм ва бошқалар).
7. Дидактика-таълим назарияси. Педагогик жараён. Таълим тамойиллари ва қоидалари.
8. Таълим шакллари, методлари ва воситалари таснифи. Таълим сифатини назорат қилиш ва унинг турлари.
9. Дарс-таълимнинг асосий шакли сифатида. Замонавий дарс типологияси ва унга қўйиладиган дидактик талаблар.
10. Педагогик маҳорат асослари ва унинг таркибий қисмлари.
11. Педагогик касбий компетентлик ва креативлик.
12. Таълим-тарбия жараёнида илмий ва умуммаданий дунёқарашни шакллантириш.
13. Педагогик диагностика ва педагогик коррекция. Коррекцион педагогика.
14. Электрон педагогика ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
15. Педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари.
16. Инновацион педагогика. Таълим инновацияларининг моҳияти, назарий асослари ва турлари.
17. Таълимнинг интерфаол стратегиялари ва методлари.
18. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари.
19. Таълим жараёнида ўйин технологияларини қўллаш. Педагогик ўйинлар типологияси.
20. Ривожлантирувчи ва танқидий фикрлашга йўналтирилган технологиялар.
21. Муаммоли таълим технологиясининг моҳияти ва мазмуни.
22. Таълимда кейс технологияси.
23. Ўқув -лойихавий таълимнинг асосий тамойиллари.
24. Таълим муассасаларида тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш.

25. Хорижий мамлакатларда таълим тараққиётининг асосий йўналишлари ва илғор хорижий тажрибалар.

Семинар машғулотлари мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Педагогиканинг илмий тадқиқот методлари.
2. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида таълим-тарбия масалалари.
4. Шарқона оила тарбияси-миллий қадрият сифатида.
5. Дидактика-таълим назарияси. Педагогик жараён. Таълим тамойиллари ва қоидалари.
6. Таълим сифатини назорат қилиш ва унинг турлари.
7. Замонавий дарс типологияси ва унга қўйиладиган талаблар.
8. Педагогик маҳоратни шаклланишида ахборот коммуникация технологияларининг роли.
9. Электрон педагогика ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
10. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги инновацияларнинг моҳияти ва турлари.
11. Таълимнинг интерфаол стратегиялари ва методлари.
12. Педагогик ўйинлар типологияси.
13. Ривожлантирувчи ва танқидий фикрлашга йўналтирилган технологиялар.
14. Муаммоли таълим технологиясининг моҳияти ва мазмуни.
15. Таълимда кейс технологияси.
16. Ўқув -лойиҳавий таълимнинг асосий тамойиллари.
17. Таълим муассасаларида тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш.
18. Хорижий мамлакатларда таълим тараққиётининг асосий йўналишлари ва илғор хорижий тажрибалар.
19. Чет тилларини интенсив ўқитишда фойдаланиладиган замонавий таълим методлари.
20. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий кўринишлари.

21. Ўйин – мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти сифатида.
22. Шахс фаолиятининг турлари ва унинг таълим олишга таъсир кучи.
23. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида педагогик диагностика соҳасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари.
24. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида коррекцион педагогика соҳасида амалга оширилаётган ишлар.
25. Умуммаданий дунёқарашни шакллантириш технологиялари ҳам педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.
26. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган инновациялар ва уларнинг натижалари.
27. Инновацион жараёнларни бошқаришнинг педагогик хусусиятлари.
Мустақил ўзлаштирилаётган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Алекс Муур. Таълим бериш ва таълим олиш: педагогика, таълим дастури ва тарбия. -Рутледж. Иккинчи нашр. 2012. 202-бет.
2. Мавланова Р ва бошқалар. Педагогика назарияси ва тарихи.- Т.: 2010 й. “Фан ва технология” нашриёти. 461 б.
3. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика. -Т.:2011 й. Ношир нашриёти.
4. Педагогика. М. Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти. 2010 й.

Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70 модда.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. – 148 б.
- 10.Ибрагимов Х. Абдуллаева Ш. История педагогики и образования. – Т.: Фан ва технология нашриёти, 2008. – 224 б.

11. Зиёмухамедов Б. Педагогик маҳорат асослари. –Т.: ТИБ-КИТОБ. 2009 й.
12. Атаева Н. Ва бошқалар. Умумий педагогика.-Т.: 2015 й. 799 б.
13. Ишмухамедов Р. ва бошқалар. Таълимда инновацион технологиялар. .-Т.: 2008 й. 180 б.
14. Подласый.И.П. Педагогика. Учебник для вузов. -М.: Владос. 2005 г. 573 ст.

Интернет сайтлари

15. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
16. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
17. www.ziyonet.uz– Ўзбекистон Республикаси таълим портали.
18. www.pedagog.uz - Ўзбекистон Республикаси таълим портали
19. www.edu.uz- Ўзбекистон Республикаси таълим портали

